


ҚАЛИНЛИГИ 510 ММ ҒИШТ ДЕВОРДАГИ АНТИСЕЙСМИК ПОЯС ЖОЙЛАШГАН ТУГУННИНГ ТЕМПЕРАТУРА УЧУН ҲИСОБЛАШ НАТИЖАЛАРИ

К.Хайдарова

Д.Исматова

Сам.ДАҚУ. ўқитувчилари:


Биолар ташқи деворларидаги иссиқликни кўп ўтказадиган бетон қўшимчаларнинг ундаги температуранинг тақсимланишига таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилган қалинлиги 510 мм ғишт девордаги антисейсмик пояс жойлашган тугуннинг температура-майдонини ҳисоблаш схемаси 1.1-расмда келтирилган.



1.1-расм. Ташқи деворнинг темирбетон ораёпма сатҳидаги антисейсмик пояс жойлашган қисмидаги температура майдонини ҳисоблаш схемаси.

Ташқи ғишт деворларнинг бундай ечими, яъни қалинлиги 510 мм бўлган ғишт девор, ҳозирги кунда республикамизда қурилаётган мактаб биоларининг лойиҳаларида энергиятежамкорликни ошириш мақсадида кенг қўлланилмоқда.

Температура-майдонини ички ҳавонинг ҳисобий температураси $+20\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва ташқи ҳавонинг ҳисобий температураси $t_n=-15\text{ }^{\circ}\text{C}$ бўлган шароит учун ҳисоблаш натижалари 1.2-расмда келтирилган.



1.2-расм. Қалинлиги 510мм ташқи ғишт деворнинг антисейсмик пояс жойлашган тугундаги температура майдонини ҳисоблаш натижалари.

Республикамизнинг жуда кўп шаҳарлари учун характерли бўлган қишки ташқи муҳит, яъни ташқи ҳавонинг температураси $-15\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача пасайган, ички ҳавонинг температураси $+20\text{ }^{\circ}\text{C}$ бўлган шароитда, хатто қалинлиги 2,0 ғишт, оҳак-қум сувоқ қатламлар билан бирга деярли 550 мм бўлган ташқи деворда ҳам темирбетон ёпма плита сатҳида антисейсмик пояс қилинган тугунда, девор ва ёпма плита туташган бурчак сиртида температура $3,4\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши мумкин экан. Маълумки, киши организми учун оптимал ҳисобланган ички ҳавонинг температураси $+20\text{ }^{\circ}\text{C}$, нисбий намлиги 55 % бўлганда ҳаво сув буғларига тўйинадиган “шудринг нуқтаси” температураси $+10,7\text{ }^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Демак, биз тадқиқот қилган ҳолатда, ташқи деворнинг ёпма плита билан туташган қисмида конденсация ҳодисаси содир бўлиш эҳтимоли жуда юқори. Бу хонадаги муҳитни антисанитария ҳолатига олиб келиши мумкин.

Айрим тадқиқотчиларнинг тасдиқлашича, девор сиртининг бурчакка яқин қисмларида 20-30 см масофагача температура шудринг нуқтасидан паст бўлади



.Бундай ҳолат юз бермаслигини олдини олиш учун маълум чора-тадбирлар кўриш талаб этилади.